

- Мистер Коломбо, мени танимасангиз керак. Мени Уильям Сэнфорд дейишади. «Майерпарк айрплаенс» ишида адвокатлик килганман. Менга хусусий изкувар керак.
- Ўша ишда кўрсатган кароматларим учун нега мен хакимда ижирганиб гапирмаётганингиздан таажжубдаман, мистер Сэнфорд, — дедим мен хушмоумалалик билан.
- Ўтган ишга саловат, мистер Коломбо. Хозир гап бошка иш устида кетаяпти. Менга шундай инсон керак.
- Полицияга мурожаат килдингизми?
- Бу полициянинг иши эмас. Мен сизни ёлламокчиман.
- Яхши, — елка кисдим мен. — Лекин мен кунига юз эллик доллар оламан.
- Розиман, — бosh иргади Сэнфорд. — Стивен Массинини топиш керак. Бир яrim ийл мукаддам унинг амакиси казо этган. Ундан 800 минг доллардан зиёд мерос колган. Стивенга 18 минги тегиши керак. Васиятнома шартларига кўра, барча меросхўрлар пулни бир вактда олишлари керак. Бўлишишни барча интизорлик билан кутмокда, Ситер Массинидан ташкари, албатта. У йўколган. Бир неча ой илгари мен уни нихоят Ниццада топдим ва хат ёздим. У рассом. Стивен пулни почта оркали жўнатишни сўради. Мен эса унга барча меросхўрлар бир вактда йигилишлари кераклиги тушунтирдим. У учеб келишга розилик берди. Икки хафта мукаддам мистер Массини Кўшма Штатларга караб учган. Сиз Кеннеди номли аэропортда халокатга учраган самолёт хакида эшитган бўлишингиз табиий. Стивен тирик колган уч йўловчининг биттаси бўлган. Жисмонан жароҳат олмаган бўлса-да, шок холатида бўлган. Бу хакда газеталардан ўқигач, эртаси куниёк касалхонага кўнгирок килдим. Тиббий кўрикдан бир соат ўтгач, Стивен Массини кимгадир сим коккан. Унинг олдига ёшгина хоним келган ва улар биргаликда чикиб кетишган. Мен барча газеталарга эълон бердим, лекин у ханузгача кўнгирок килгани йўк.
- Стивен бошка кариндошлари билан алока килиб турганми? — сўрадим мен.
- Йўк, у кариндошлари билан гаплашмаган. Ота-онаси вафот этгач, у чет элга чикиб кетган ва ханузгача Францияда яшаб келган. Меросхўрлар унинг тўсатдан гойиб бўлганидан жуда норози. Улар ўз пулларини интиклик билан кутишмокда.
- Кизик, у яна гойиб бўлган. Ёш рассом учун 18 минг чакана пул эмас. Стивен уйланганми?
- Бўйдок, — жавоб берди адвокат. — Мен уни хеч качон кўрмаганман. Менда хатто унинг фотосурати хам йўк. Кариндошларига келсак, улар хам уни сўнгги марта анча йиллар аввал, у 4 ёшдалигига кўришган. Хозир у 26 ёшда.
- У кетгач, мен нуфузли кредит фирмасидаги танишимга кўнгирок килиб, Сэнфорд ва Стивен Массинини текшириб беришни сўрадим. Сўнг касалхонага йўл олдим. Омадим бор экан. Икки хамшира мистер Массинини тасвирлаб кетишиди: бўйи биру саксон, бакувват, вазни 80 килодан кам эмас. Сочлари тим кора, юзи оддий, бирорта фаркли белгиси йўк. Унинг ёши ўттизлар атрофида, дейишди. Кўрикдан бир соат ўтгач аллакимга кўнгирок килган. 20 дакикалардан сўнг унинг ёнига хаяжон исканжасидаги 25 ёшлардаги малласоч хоним келган. Массини эса хеч кандай маслахатларга кулок тутмасдан, жавоб беришларини талаб килган.
- У палатадан кўнгирок килдими? — умидланиб сўрадим.
- Ха.

— Демак, операторларингизда у күнгирок килган ракам сакланиб колган бўлиши керак? Уни аникласам бўладими?

Беш дақиқадан сўнг мен телефон компаниясидаги таниш йигитга күнгирок килиб турардим. Телефон аллакандай Фил Уэллсга тегишли экан. Ярим соатдан сўнг мен Куинсда эдим. Уэллс битта машинага мўлжалланган гаражли, бундайрок ўтлоги бўлган кичикрок уйда яшаркан. Мен ёрдамчим Ал Питерсга автомат-телефондан күнгирок килиб, Уэлсснинг уйини тонгги бешдан бошлаб кузатишни тайинладим.

Эрталаб саккизда ишда эдим. Соат ўнда сугурта компаниясидаги танишимга күнгирок килдим.

— Мистер Стивен Массини хакида бизда хеч кандай маълумот йўк. Менимча, у ишсиз бўлса керак... Энди Уильям Сэнфорд хакида. Биз бундай мижозларни «катта таваккалчилар» деб атаемиз. Ўтган йили у «Майерпарк айрплаенс» акцияларида касодга учраган. Амалиётларидан йилига 20 минг долларча фойда кўради, лекин шахар остонасидаги хашаматли уйда яшайди, иккита клубга аъзо, иккита кимматбаҳо автомобили бор. Уйланган. Бу унинг учинчи хотини, жуда гўзал, кимматбаҳо тақинчоларни яхши кўради. Сэнфорд кулогигача карзга ботганлардан. Бадавлат оиласда тугилган. Бойвачча амакиси бор, меросининг хаммасини Сэнфордга колдириб кетиши керак. Амакиси 79 ёшда, лекин хамон хафтасига бир марта гольф ўйнашни канда килмайди. Хаммаси шу, Фред.

Мен унга ташаккур айтдим ва Фил Уэлссни хам текшириб кўришни илтимос килдим. Сўнг сейфдан митти эшитиш мосламаси — кўнгиз ва мини-магнитофонни олдим. Телефон компанияси эмблемаси туширилган комбинезонни кийиб, Фил Уэлсснинг уйига жўнадим. Ал Петерс ўзининг шалок аравасида уйдан 100 метрча нарида ўтирганча, когоз стакандан апельсин шарбатини симиради.

— Хозирча хаммаси тинч, Фред, — хисоб берди у. — Хеч ким киргани хам, чиккани хам йўк.

Мен машинамга кайтдим. Бошимдаги бейсбол шапкасини кошимгача тушириб, калин мўйлов ва иккита тукли сўгал ёпиштиридим-да, Уэлслар уйига йўл олдим. Магнитофонни Алнинг машинасида колдиридим. Митта кулоклик ва блокнот хам тутказдим.

— Нима килишни биласан-а, Ал? Улар нима хакида гаплашишса ёзиб ол! Мен бир соатдан сўнг кайтаман.

Эшикни яхшигина коматга эга малласоч хонимча очди. Унинг нимадандир асабийлашаётгани шундок кўриниб турарди. Кўзининг ости корайиб, салкиган, кечаси уйку хакида ўйламагани хам рост.

— Миссис Уэллс, худудларингизда узилиш рўй берган. Биз хамма телефонларни текшириб чикаяпмиз.

— Менинг телефоним яхши ишляяпти.

— Эҳтимол. Лекин киска туташув рўй берган бўлса, бу бошка телефонларнинг ишига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ташвишланманг, миссис Уэллс, бу кўп вактни олмайди. У мени арzon мебеллар билан жихозланган меҳмонхонага бошлаб кирди. Мен оператор билан «гаплашдим», гўшакни ечиб, гарчи хоним мени кузатаётган бўлса-да, билинтирасдан кўнгизчани жойлаштиридим. Гўшакни йигиб, гудокни текширидим ва коникиш хосил килгандек бош иргадим.

— Хаммаси жойида! Рахмат, мэм.

Бир соатдан сўнг унинг ракамини тердим.

— Миссис Уэллс, сизни Стивен Массинининг дўсти безовта киляпти...

— Сиз адашдингиз, — гапини кескин бўлди у.

Мен яна такрорладим.

— Миссис Уэллс, гўшакни кўйманг. Сиз мистер Массинини касалхонадан олиб кетганингизни биламан. Мен унга катта пул беришим керак. Агар сиз...

— Мен сизга нотўгри ракам тердингиз дедим-ку?! Мени тинч кўйинг! — у зарб билан гўшакни иргитди.

Малласоч хонимни кўркитиб, Ал Питерс олдига шошдим.

— Жуда оддий, Фред, — жилмайди у. — Иккинчи кўнгирогингдан дам ўтмай у Стивенсга кўнгирок килди. У «Девенпорт» меҳмонхонасининг 121-номерида яшаркан...

— Мистер Стивенсга? Адашмаяпсанми? Стивен Массинигамасми?!

— Мистер Стивенсга. Сенинг кўнгирок килганингни айтди. Мен хаммасини ёзиб олдим,

— Ал блокнотини очди. — «Ташвишланма, Роза, — деди ўша Стивенс. — Агар у яна кўнгирок килса нима хакида гапираётганини тушунмаганингни айт. Роза, балким Ньюаркка ойингникига бир неча кунга бориб келарсан? Качон кайтишингни ўзим билдираман». — «Мен бу ролни ортиқ ўйнай олмайман, азизим. Кўркаяпман». — «Хеч нарсадан кўркма, азизам. Тинчлан. Биласанми нима, олдимга кел. Сени соат иккода кутаман».

«Девенпорт» меҳмонхонаси аэропортнинг ёнида жойлашганди. 121-номернинг эшигини бўйлари узун, елкалари кенг, спорт кийими ва ок кўйлак кийган эркак очди.

— Хўш? — деди у менга оғзидан виски бугларини пуркаб. — Нима сотасиз?

— Биз гаплашиб олишимиз керак, мистер Массини, — дедим мен нишонимни кўрсатарканман.

— Хусусий изкувар! — хикиллади Массини. — Кани хакикий фиръавнларни чакириб колмасимдан, туё-гинг-ни шикиллат-чи!

— Марҳамат, чакиринг, мистер Массини. Афтидан менинг ташрифимни нотўгри тушунганга ўхшайсиз. Мен сизга 18 минг доллар тақдим этмоқчиман.

— Сизни адвокат Сэнфорд юбордими?

— Ха, у. Нега сиз унга кўнгирок килмадингиз? У васиятнома шартларини бажариши керак, ахир!

— Унга айтиб кўйинг, качон истасам ўшанда у билан кўришаман.

— Нахотки сизни мерос кизиктирмаётган бўлса? — хайрон бўлдим мён. — 18 минг доллар оз пул эмас...

— Билмайман... Мен эртага Францияга кайтиб кетишим керак, ўша пулларни деб соликчилар катта муаммо пайдо килишлари мумкин.

— Сэнфордга кўнгирок килиб, бўлмаса шулар хакида айтинг.

— Качон хохласам, ўшанда кўнгирок киламан, — деди у ва зарда билан эшикни ёпди. Мен холлда Сэнфордга кўнгирок килдим ва Массинини каердан излашни айтдим.

— Раҳмат, мистер Коломбо. Мен ишингиздан тўлик коникиш хосил килдим. Сизни ортиқ безовта килмайман.

Энди овоз узатувчи кўнгизчани олшим керак. Келажакда уни топиб олишса, муаммо юзага келиши мумкин. Мен кечкурун бунга уриниб кўрдим. Уйга келгач, сугурта компаниясидаги танишимга кўнгирок килдим.

— Уэлссларнинг умумий даромади 9400 доллар. Уйлари 20 минг туроди. 15 минги гаровда. Улар уйни тўрт йил муқаддам турмуш куришганда сотиб олишган ва жихозлашган. Хотини кўчмас мулк билан савдо килувчи компанияда машинистка бўлиб

ишлайди, эри эса «Транс-Европа хаво йўллари» авиакомпаниясида чипталарни брон килиш билан шугулланади.

— Бу якинда анави самолёт халокатга учраган авиакомпания эмасми? — сўрадим мен.

— Ха. Айтмокчи, Фил ўша халокатда курбон бўлган.

Мен кутубхонага бориб, Кеннеди номли аэропортда содир бўлган халокатга оид барча маколаларни йигиб, ўкиб чикдим. Фил Уэллс ха-кикатдан хам халок бўлганлар рўйхатида кайд этилганди. Авиакомпания хизматчиси сифатида у бепул учган. Уни танасида исм ва фамилияси ўйиб туширилган чакмокли ён-диргич оркали таниб олишган.

Кечкурун мен машинамни Роза Уэллс яшайдиган квартал томон бурдим. Унинг уйи олдида тўртта полиция машинаси ва бир тўда томошаталаблар туришарди.

— Шунака гаплар! — бош иргади Ал. — Бу миссис Уэллс деганлари сенинг Массининингни бошига етган кўринади. Улар аёлни бугун тушдан сўнг меҳмонхонада унинг жасади ва котиллик куроли билан бирга топишган.

Мен ундан магнитофонни олдим, ишга бориб тасманинг хаммасини эшитиб чикдим. Массини кўнгирок килган эди.

«Нарсаларни йигиштириш ва кўнгирогимни кут, азизам. Ёнимга Сэнфордга ишлайдиган хомсемиз изкувар келиб кетди. Тезда жойимизни ўзгартирасак бўлмайдиганга ўхшаяпти.

«Лекин у сени кандай килиб топди? — кичкирди Роза. — Мен хозир бу машмашаларга араласиб колганимдан жуда-жуда афсусдаман, Фил».

«Ўзингни бос, асалим. Мен унга хеч канака мерос керакмас, деб жавобини бериб юбордим. Жойлашиб олишим билан сенга кўнгирок киламан. Хеч нарсадан кўркма, Роза. Биз тезда бойиб кетамиз».

Шундан сўнг яна битта кўнгирок бўлган.

«Азизам, мен янги жойга жойлашдим, — деб хабар килди таниш эркак овози. — Хона кичкина, лекин тоза. Хозир мен Лонг-Айленддаги «Монро» отелидаман. Соат хозир 2:40 бўлиди. Яхиси машинага чикма. Сен бу ерга...»

Уни ўқ овози узиб кўйганди.

«Фил? — бакириб юборган Роза Уэллс. — Фил? Нима бўл...»

Гўшакдан киска гудоклар эшитилган.

Мен яна бир марта сўнгги сухбатни диккат билан эшитиб, Ал Питерсга кўнгирок килдим ва Стивен Массинининг ўлим вактини аниклашни сўрадим. Сўнг тунги соат уч бўлишига карамасдан, Уильям Сэнфордга кўнгирок килдим.

— Зудлик билан учрашишимиз керак, — дедим. — Стивен Массини ўлдирилганидан хабар топгандирсиз?

— Менга полициядан кўнгирок килишди. Улар хамёнидан менинг хатимни топишган экан.

— Мен ярим соатларда етиб бораман. Мени кўчада кутиб туринг.

Сэнфорд мени чиройли шляпа, енгил плашч ва кўлкопда кутиб олди. Чўчка терисидан ишланган кимматбахо кўлкопни кўрганимда юрагим хаприкиб кетди. У ёнимга ўтириди ва мен кутаётган саволни берди:

— Мен билан учрашаётганингизни бирор кишига айтдингизми, мистер Коломбо?

— Йўк.

Мен машинани жойидан кўзгатдим. Менга бир савол тинчлик бермасди: У качон тўппончасини чикаради. Мен ташландик йўлга бурилдим ва тўхтадим.

— Нега тўхтадик, мистер Коломбо? — сўради Сэнфорд. Хамон унинг кўллари тиззасида эди.

— Гаплашиб олишимиз керак, — дедим мен. — Сиз мений йўколган меросхўрни топиш учун ёлладингиз. Мен вазифани бажардим. Лекин хозир кидирув котилликка айланиб кетди.

— Шунинг учун мени иссик тўшагимдан чикариб олдингизми, Коломбо? Менинг бу котилликка мутлако алокам йўк, уни миссис Уэллс ўлдирган.

— Сэнфорд, у ўлдирмаган. Мен унинг телефонига кўнгизча ўрнатгандим. Телефондаги сўзлашувлар ёзилган плёнка ана орка ўриндикда. Кўйиб беришим мумкин.

Судмедэксперт Массинини кундузи соат 3 ларга якин ўлдиришганини аниклаган. Соат 2:40 да у Массини билан ўз уйи-даги телефонда гаплашган. Сўнг гўшакдан ўқ овози келган. Бу плёнка Роза Уэлссга метин алибини тақдим этади.... Сиз олдин портьени хушидан кеттириб, Массинини ўлдириб, Розани «Монро» отелига келгунча кутиб тургансиз. У хонага ка-дам кўйиши билан бошига уриб, кулатгансиз, котиллик куролини ташлаб, кетгансиз. Уни меҳмонхона номерида жасад ва котиллик бажарилган курол билан бирга топишган.

— Фантастик хикоя, — деди сёкингина Сэнфорд. — Нима, мени шантаж киляпсизми, Коломбо?

— Мен пул хакида бирор нарса дедимми? Бекор мени ёллагансиз, Сэнфорд. Мен ахборотларни кунт билан ўрганиб чикаман. Сизнинг касод бўлганингиз хам менга маълум, Массинига тегишли мероснинг бир кисмини хам ишлатиб юборишга ултургансиз. Меросхўрларни эса Стивен Массинини хеч топа олмаётганингиз хакидаги чўпчак билан лакиллатиб юргансиз. Амакингизнинг ўлими молиявий муаммоларингизни хал килишидан умидвор бўлгансиз. Афсуски, меросхўрлардан бири Стивенни топган. Сиз унга хат ёзишга мажбур бўлгансиз. У халокатга учраган самолётда бу ёкка шошган. Хар кандай холатда хам сиз уни ўлдирадингиз. Сиз учун мухими — судда васиятноманинг тасдикланиши хамда пул тўланишини кечикириш бўлган. Стивеннинг касалхонадан -сирли йўколиши сиз учун жуда маъкул холат эди. Лекин бу вактинчалик холат эди. Сиз кандай йўл билан бўлса-да, уни топиб, оғзини беркитишингиз керак эди. Шунинг учун мени ёллагансиз.

— Коломбо, нималар деяётганингизни ўзингиз хам билмайсиз. Мен сизни гойиб бўлган меросхўрни топиш учун ёллаганман. Бунда хеч кандай конунга хилоф нарса йўк. Сиз Стивенни топдингиз. Уни эса ўлдириб кетишиди. Менинг бунга алокам йўк.

— Унинг ўлими васиятноманинг тасдикланишини янада чигаллаштиради. Сиз хозир кечаю-кундуз амакингизни тезрок жонини олиши учун худога ёлвориб ётган бўлсангиз керак. Лекин Сэнфорд, хамма гап шундаки, мен Стивен Массинини тополганим йўк.

— Мен бу гапларни эшитишга ортиқ токат килолмайман. Мени тезрок...

— Стивен Массини авиаҳалокатда курбон бўлган, — унинг гапини бўлдим мен. — Тирик колган уч омадли инсондан бири Филл Уэллс эди. Сиз ўшани отиб кўйгансиз. Ўзининг атрофида тутаб ётган жасадларни кўриб, у мурдалардан бирининг хамёнини чикариб, ўзининг чакмоктошини унга ташлаб кўйган ва Стивен Массинига айланган. Сўнг у хотинига кўнгирок килиб, касалхонадан чикиб кетган. Унинг нима ўйлагани маълум. Миссис Уэллс сугурта суммасини олади, авиакомпанияни судга бериб, ишни ютиб чикади. Бойигач, улар чет элга кўчиб чикишни режалаштиришган. Авиахалокатда ёнгин шу кадар кучли бўлганки, мурдаларни таниб олиш хакида гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Фил сиздан 18 минг долларни олишни жуда-жуда истаган, лекин бу жуда катта таваккалчилик эди. Ахир у хакикий Массини кандай кўринишга эга эканлигини билмаган, кариндошлар билиб колишидан чўчиган... Сэнфорд, сиз эса барча хаваскор котиллар

сингари бир талай хатоларга йўл кўйгансиз. Магнитофон плёнкасида миссис Уэлсснинг алибиси борлигини айтмай кўяколай. Сиз Уэлсс-Массини беркиниб ётган жойдан хабардор ягона киши бўлгансиз. Менинг кўнгирогимдан сўнг сиз «Дэвенпорт»-га шошиб, портьедан Массини кўчуб чикаётганини аниклагансиз. Унинг кетидан бошка меҳмонхонагача боргансиз. Номерга киргач, у дархол хотинига кўнгирок килган. Сиз эса йўлакда, эшик олдида туриб хаммасини эшитиб тургансиз. Тез орада миссис Уэлсс келишини эшитиб, вазиятдан фойдаланиб колишни максад килгансиз — меросхўрни ўлдириб, барча айбни Розага агдаришни ўйлагансиз.

Уильям Сэнфорднинг юзи тердан ялтирарди. Нихоят, у киска стволли тўппончасини чикарди.

— Барибир нимага эришмокчи бўлганингизни тушунмаяпман, Коломбо, — деди у. — Менга вазиятдан чикиш учун йўл колдирмаяпсиз. Сизни ўлдиришимга тўгри келади. У тўппончани ўнг бикинимга тираганда ўзимни галати тарзда жуда енгил хис килдим. Нихоят у куролини чикариб, шу йўл билан котилликни бўйнига олган эди!

— Кўлларим рулда турибди, — дедим тез-тез мен. — Тепкини босишга шошилманг. Буни килишдан аввал бардачокка каранг. Хозир сиз айтган ва эшитган нарсаларнинг хаммасини полициячилар эшитиб туришибди. Бардачокни очинг, Сэнфорд! У бардачокни очди ва овоз узатувчи курилмаган кўзи тушди.

— Амал килиш радиуси 600 метр, — дедим мен.

Кутилмаганда йўлни жуда ёркин фаралар ёритиб юборди.

— Сиз курсовдасиз, Сэнфорд! — деди мегафон оркали Ал Питерснинг ёнида турган капитан. — Куролни ташлаб, машинадан чикинг!

Буталар орасидан винтовка билан куролланган икки полициячи чикиб келди.

— Машинадан чикинг, Коломбо! — Адвокат кучи борича тўппончани бикинимга тиради.

— Сиздан калкон сифатида фойдаланаман.

Унга бўйсуниш ўрнига унинг тўппонча ўшлаб турган кўлларига ташландим. Биз курашаётганимизда полициячилар машинага етиб келишди. Улар эшикни очишганда Сэнфорд ўқ узди.

Мен кучли зарбани хис килдим. Кўз ўнгим корайиб, кўнглим бехузур бўлиб кетди. Худога шукрки, ўқ ўтказмас жилет кийишни унутмагандим. Лекин ош-козоним доим безовта ки-либ туради...

Рус тилидан
ШАВКАТБЕК таржимаси